

ЎЗЛАШТИРИШ ЁКИ РАСТРАТА ЙЎЛИ БИЛАН ТАЛОН-ТОРОЖ ҚИЛИШ
ЖИНОЯТИГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ТЕРГОВЧИ ВА ТЕЗКОР БЎЛИНМА
ХОДИМЛАРИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Комилов Ҳаким Қувандик ўғли
Ҳуқуқни муҳофаза қилиши Академияси
Тергов фаолияти магистратура тингловчиси

Аннотация. Жаҳонда жиноятчиликка қарши кураш, судлар томонидан содир этилган жиноятлар учун одиллик принципига асосан жазо тайинлаш, жиноят қонунчилигини либераллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, ўзлаштириш ёки растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиш жинояти учун жавобгарликни белгилаш ҳамда унга имкон берган сабаб ва шароитларнинг олдини олиш, ушбу жиноятга қарши курашишда терговчи ва тезкор бўлинма ходимлари ҳамкорлигини такомиллаштириш, бу борадаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементациясини кучайтириш соҳасида тадқиқотлар ўтказишга катта эътибор қаратилмоқда.

Таянч сўзлар. ўзлаштириш, растрата, талон-торож қилиш, терговчи, тезкор-қидирув, терговчи ва тезкор бўлинма ходимлари ҳамкорлиги.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси 143-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси худудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга ошириши қайд этилган²².

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни 4-моддасида, тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш, жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятни, терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради²³.

Жиноятнинг обьекти жиноят ҳуқуки назариясининг муҳим ва мураккаб масалаларидан биридир. Жиноий тажовуз қаратилган обьектни тўғри аниқлаш

²² Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон)

²³ Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон, 19.11.2021 й., 03/21/729/1064-сон; 01.06.2022 й., 03/22/772/0460-сон; 12.04.2023 й., 03/23/829/0208-сон)

жиноятнинг хусусияти, юридик табиати, унинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилаш имконини беради.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 36-моддасига асосан терговчи: ЖПКда назарда тутилган тергов ҳаракатларини олиб боришга; ўз юритувига қабул қилган ишлар бўйича тезкор-қидирув тадбирларини бажариш тўғрисида ёзма топшириқлар беришга; бошқа терговчи ва суриштирувчиларга айрим тергов ҳаракатларини юритиш тўғрисида топшириқ беришга; терговга қадар текширув ёки тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларга шахсларни ушлаб туриш, мажбурий келтириш, қидириш тўғрисидаги қарорларнинг ижросини топширишга, улардан айрим тергов ҳаракатларини юритишда кўмаклашишни талаб қилишга; қамоққа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш, уй қамоғи бўйича қўшимча тақиқ (чеклов) белгилаш тўғрисида илтимоснома беришга, шунингдек эҳтиёт чорасини ушбу Кодекснинг 240 ва 243¹-моддаларига мувофиқ бекор қилишга ёки ўзгартиришга; паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисида илтимоснома беришга; айланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисида, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ҳақида илтимосномалар беришга, шунингдек мазкур чораларни ушбу Кодексда белгиланган тартибда бекор қилишга ҳақли эканлиги белгиланган²⁴.

Шу билан бир қаторда, терговчининг ўз юритишидаги иш юзасидан қонунга мувофиқ берган ёзма топшириқлари ва чиқарган қарорлари барча корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

Шу жумладан, ЖПКнинг 37-моддасига мувофиқ, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гурухи бошлигининг ва унинг ўринbosарининг ваколатлари қайд этилган бўлиб, унга кўра, тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гурухининг бошлиғи ва унинг ўринbosари ўз ваколатлари доирасида жиноятларни очиш ва уларнинг олдини олиш юзасидан терговчиларнинг ўз вақтида ҳаракат қилишини назорат этадилар, жиноят ишлари бўйича дастлабки терговни тўла, ҳар томонлама ва холисона олиб бориш чораларини кўрадилар.

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гурухининг бошлиғи ва унинг ўринbosари ишларни текшириб кўришга, шунингдек дастлабки тергов ўтказиш, шахсни ишда айланувчи тариқасида иштирок қилиш учун жалб этиш, жиноятни тавсиф қилиш ва айловнинг ҳажми, ишнинг йўналишини белгилаш, айрим тергов ҳаракатларини ўтказиш ҳақида терговчига кўрсатмалар беришга, ишни бир терговчидан иккинчи терговчига олиб беришга, ишни тергов қилишни бир неча терговчига топширишга, шунингдек терговчи ваколатларидан фойдаланиб, дастлабки тергов олиб боришда қатнашишга ва дастлабки терговни шахсан ўзи олиб боришга ҳақлидир.

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси

Тергов бошқармаси, бўлими, бўлинмаси, гурухи бошлигининг ва унинг ўринбосарининг иш юзасидан қўрсатмалари терговчига ёзма тарзда берилади ва уларнинг ижро этилиши мажбурийдир.

Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 10-моддасига мувофиқ, қўйидагилар Республикамизда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар бўлиб ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизматининг;

Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий разведкасининг;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиб департаментининг;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг органлари амалга оширади.

Бошқа давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

Тезкор-қидирув муносабатлари иштирокчилари қаторига, тезкор-қидирув тадбирларини ўтказилишидан келиб чиқиб, бир марталик, якка тартибда ёки доимий асосда жалб қилинувчи жисмоний ва юридик шахслар киритилади. Бундай иштирокчилар, одатда, тезкор-қидирув муносабатлари субъектлари тоифасига мансуб бўлиб, тезкор-қидирув қонунчилигига ушбу субъектлар “тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар” деб аталади.

Хусусан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар – бу тезкор-қидирув қонунчилиги, шунингдек идоравий норматив-хукуқий хужжатлар билан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш борасида вазифалар, тегишли хукуқлар ва ваколатлар билан таъминланган ҳамда зарур мажбуриятларга эга мустақил ташкилий-бошқарув тузилмаларидир. Мазкур органлар тизимиға шарҳланаётган қонуннинг 10-моддасига мувофиқ тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш ваколатига эга органларнинг тезкор бўлинмалари киради.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тезкор бўлинмалари деганда хукуқни муҳофаза қилувчи орган тизимиға киравчи, функционал ихтисослигига қўра, тезкор-қидирув вазифаларини ҳал қилишга қаратилган, тезкор-қидирув қонунчилиги ҳамда тезкор-қидирув фаолияти субъектлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-хукуқий хужжатлардаги хукуқий нормаларга биноан бошқа ташкилий тузилмалардан алоҳида ажратилган, тезкор-қидирув тадбирлари ва бошқа хукуқий ҳаракатларни амалга ошириш бўйича вазифалари, хукуқлари, ваколатлари, уларнинг ҳажми ва чегараси белгилаб берилган ташкилий-штат тармоғи тушунилади.

Хусусан, тезкор бўлинмалар қўйидаги асосий белгилари билан тавсифланади:

- давлат органлари таркибида фаолият кўрасатади;

- тезкор-қидирув қонунчилигига назарда тутилган вазифаларни амалга оширади;
- ўз фаолиятида тезкор-қидирув күчлари, воситалари ва усууларини қўллайди;
- тезкор-қидирув вазифаларни ҳал этишда кўмаклашувчи шахслар ёрдамидан фойдаланади;
- тезкор-қидирув органи раҳбари бошчилигига фаолият юритади;
- ўз идораси тезкор бўлинмалари, шунингдек тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи бошқа органлар билан ҳамкорлик қиласди.

Тезкор бўлинмалар идоравий мансублигига кўра, муайян ҳукуқни муҳофаза қилиш органи (масалан, ИИВ, ДХХ, ДБҚ, Баш прокуратура); давлат ҳамда қўриқланувчи шахслар ва объектларнинг хавфсизлигини таъминловчи органлар (ДХХ, ПДХХ, Мудофаа вазирлиги) таркибига кириши мумкин.

Тузилмавий-штат шаклига кўра тезкор бўлинмалар вертикал (департамент, бошқарма, бўлим, бўлинма, гурух) ва горизонтал (максус бўлинмалар, фаолият йўналиши бўйича тезкор таъминлов ва таҳлилот бўлинмалари) тузилишига эга бўлиб ҳисобланади. Давлат органлари таркибида эса, тезкор бўлинмалар ташкил этиш зарурияти, уларнинг жиноятчиликка қарши курашиборасида амалга оширадиган тезкор-қидирув вазифалари ва функциялари билан шартланган.

Тезкор-қидирув фаолиятининг субъектлари тушунчаси, мазкур фаолиятнинг ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиқиб икки хил маънода ифода этилади: кенг маънода (барча қтанашчилар – субъектлар, объектлар) ва тор маънода.

Тор маънодаги субъектларга – қонун билан тегишли ҳукуқ ва мажбуриятлар юклатилган, ушбу мажбуриятларни етарлича бажармаганлиги учун жавобгарлик белгиланган тезкор-қидирув органларининг тезкор бўлинмалари ва уларнинг ходимлари киради.

Бошқа барча қтанашчилар (субъектлар ва объектлар) тезкор-қидирув фаолияти билан қўйидаги сабаблар орқали боғлиқ:

- фаолиятни амалга оширувчи органларга кўмаклашувчи шахслар, турли соҳа мутахассислари;
- жиноий муҳитга алоқадор ёки ўрганилувчи шахслар;
- тезкор-қидирув фаолиятини назорат қилувчи органлар.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг тезкор хизматлари қўйидагиларга бўлинади:

- тезкор бўлинмалар (барча турдаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчилар);
- техник хизматлар (айрим турдаги тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишга ёрдамлашувчи бўлинмалар);
- тезкор ахборот бўлинмалари (тезкор ҳисоб, ахборотни тизимлаш ва таҳлил қилувчи бўлинмалар).

Тезкор-қидирув қонунчилигига тезкор-қидирув фаолияти субъектларининг рўйхати белгиланган бўлиб, уларнинг мазкур соҳадаги ваколатлари умумий шаклда мустаҳкамлаб қўйилганлигини кўриш мумкин.

Бундай бўлинмалар Ўзбекистон Республикасининг махсус ваколатли давлат органлари томонидан ва фақат мамлакат ҳудудида белгиланади.

Юқорида санаб ўтилган давлат органларидан ташқари бошқа давлат органлари, шунингдек юридик ва жисмоний шахслар томонидан тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш тақиқланади.

Шу жумладан, Конституциямизнинг 146-моддасига назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш бўйича тезкор-қидирув, тергов ва бошқа махсус вазифаларни мустақил равишда бажарувчи хусусий ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва уларнинг бўлинмаларини тузиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланиши белгилаб қўйилган.

Қонунийлик ва хуқуқий тартиботни, фуқароларнинг хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишда хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жамоат ташкилотлари ва фуқаролар ёрдам кўрсатишлари мумкинлиги қайд этилганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу модда айрим бланкет нормалардан иборат бўлиб, уларнинг мазмунини тушуниш ва ундаги кўрсатмаларни амалиётда тўғри қўллаш учун бир қатор қонун ва бошқа норматив-хуқуқий хужжатлар нормаларига асосланиш лозим бўлиб ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни фақат Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонун хужжатларида белгиланган ваколатлари доирасида ҳал қиласидар.

Хусусан, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар ваколатлари деганда, уларнинг ушбу органлар фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қонуности норматив-хуқуқий хужжатларида белгиланган вазифа ва функцияларидан келиб чиқадиган хуқуқ ва мажбуриятлари мажмуи тушунилади.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг мазкур соҳадаги ваколатларини аниқлаш ва уларни бир-биридан фарқлаш учун Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги, “Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида”ги, “Давлат божхона хизмати тўғрисида”ги, “Мудофаа тўғрисида”ги, “Прокуратура тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини тубдан ошириш ва иқтисодий жиноятларга қарши курашиш механизmlарини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, шунингдек, Жиноят-процессуал кодекси, Жиноят-ижроия кодекси, Божхона кодекси ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига асосланиши лозим.

REFERENCES:

1. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. Т.: “Меҳнат”, 1995 й., 377-бет.

2. Ивлиева М.Ф. Налогообложение производственных кооперативов. Правовые вопросы: Дисс.канд.юрид.наук. – М., 1991. С.37.
3. Маҳкамов.О. Солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг жиноят-хуқуқий ва криминологик жиҳатлари: Докторлик диссертацияси – Т., 2015 – 22-б.
4. Александров И.В. Налоговые преступления: Криминалистические проблемы расследования. СПб., 2002. – С 34,37.
- 5.Брызгалин А.В., Верник В.Р., Головкин А.Н. Налоговая оптимизация: принципы, методы, рекомендации, арбитражная практика // Налоги и финансовое право. – М., 2002. №6. – С.45.
- 6.Lydia Ginzburg's. Alternative Literary Identities / Ed. by Emily Van Buskirk and Andrei Zorin. Oxford: Peter Lang, 2012.
- 7.Ubaydullaev Sardor. Conceptual fundamentals of tax revenue in the system of tax relations. Journal of innovations in economy. 2021. Vol. 4, Issue 11. pp.80-87